



Аҳоли муаммолари депутатлар томонидан ўрганилмоқда...



Бугун Узун туманида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавжуда Хасанова ва туман Кенгаши депутатлари Гулшан Чориева, Маствура Мамуржонова, Туман Кенгаш котибият мудири Ў. Ражабов лар “Дўстлик” маҳаллаларида яшовчи фуқаролар билан очик мулоқот ўтказди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавжуда Хасанова мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида тўхталиб ўтди. Сўнг фуқароларнинг муаммоларини тинглади. Унда фуқаролар ички йўлларни таъмирлаш, ичимлик суви билан таъминлаш, ички туризмни янада ривожлантириш, нафақага чиққан ходимларнинг тиббий даволанишига кўмак бериш, уй-жойларни кадастр қилиш, аукцион орқали олган ерларни ажратиб бериш, талаба контрагини тўлаш масалалари билан мурожаат қилишди.



Учрашув давомида фуқароларнинг муаммоли масалараларига хуқукий тушунчалар берилди.

Узун туманида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати ўрганилди, бу борада белгилаб берилган вазифаларнинг ижроси назорат қилинди. Аҳолининг тиббий хизмат ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари ҳам эшитилди.

Шунингдек, кекса нуроний отахон ва онахонларимиз жуда хурсандлигини, давлат эътибори ҳамда ғамхўрлигидан шод эканлигини билдиришди. Айниқса, пенсия ва нафақаларнинг 12 фоизга оширилганлиги байрам арафасида бўлганлиги уларни хурсанд қилганлигини эътироф этишди. Мурожаатлар ҳам эшитилди. Тегишшлилиги бўйича масъулларга ижросини таъминлаш юклатилиб, назоратга олинди.

